



## ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маматов Бахадир Сафаралиевич

Тошкент молия институтининг доценти, DSc.  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8001552>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> May 2023

Accepted: 30<sup>th</sup> May 2023

Online: 31<sup>th</sup> May 2023

### KEY WORDS

Пенсия, пенсия таъминоти, пенсия тизими, пенсия тўловлари, пенсия фондлари, инвестиция, жамғармалар, жамғариб бориладиган пенсия, хусусий пенсия фондлари, банклар.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада жамғариб бориладиган пенсия тизимининг шаклланиши, пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг афзалликлари ва камчиликлари, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш тартиби ҳамда ушбу тизимни ривожлантириш истиқболлари ҳақида баён қилинган.

**Кириш.** XX асрнинг сўнгги йилларида дунёнинг барча мамлакатларида пенсия ислохотлари фаол тарзда амалга оширила бошланди. Натижада, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти шаклланди ва ривожланиб борди. Пенсия ислохотларининг мазмуни, мақсади ва амалга оширилиши у ёки бу мамлакатдаги тарихий, сиёсий ва молиявий шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, туғилишнинг камайиши ва фуқаролар яшаш давомийлигининг узайиши натижасида аҳолининг кексайиши билан боғлиқ равишда тақсимланувчи пенсия тизимида муаммолар кузатила бошланди. Бу муаммолар пенсия тизимида туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруратини юзага чиқарди. Унинг ечими сифатида «1994 йилда Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан жамғариладиган пенсия тизими модели ишлаб чиқилди» [1]. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг маълумотларига кўра, «2035 йилга келиб, дунё аҳолисининг 13 фоизини ташкил этадиган 1,1 миллиард киши 65 ёшдан ошади» [2]. Бундай ҳолат истиқболда жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш зарурлигини тақозо этади ва шу орқали фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш имконини яратади.

**Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили.** Узоқ хорижлик иқтисодчи-олимлардан Jun Peng [3], Rowena Jacobs, Maria Goddard [4], Collin Campbell [5], Stephen Butler [6], Gemma Charlotte Tetlow [7] кабиларнинг илмий асарларида пенсия ва ижтимоий суғурта масалалари ҳамда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими тадқиқ қилинган.

Яқин хорижлик иқтисодчи-олимлардан В.Роик [8], С.Орлов, А.Шеметов [9], А.Скурова [10] илмий-тадқиқотларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида




ижтимоий суғуртанинг аҳамияти ва зарурлиги, фуқаролар пенсия таъминотидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар, нодавлат пенсия суғуртаси тизимини ривожлантириш масалалари ёритилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан А.Вахабов, Н.Мажидов [11], Д.Рустамов [12], Ш.Ражабов [13] ларнинг илмий ишларида мамлакатимизда фуқаролар пенсия таъминоти тизими, жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш, жамғариб бориладиган пенсия тизимини ташкил этиш ва тартибга солиш, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари бўйича муҳим илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, кузатиш ва таққослаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик усулларида фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** XIX аср охирида дунёнинг аксарият ривожланган мамлакатларида «тақсимланувчи», яъни авлодлар бирдамлиги тамойилига асосланган пенсия тизими шаклланди. Бунинг моҳияти шундаки, ҳозирда ишловчи фуқаролар ҳозирги пенсионерларнинг пенсияси учун ижтимоий суғурта бадалларини тўлайдилар. Ўз навбатида, ҳозирда ишлаётган фуқароларнинг пенсияси келажак авлод томонидан тўланади. Бундай пенсия тизими ишловчилар сонининг пенсионерлар сонидан анча кўплиги шароитида анча яхши. Аммо, аҳолининг умр кўриш даврининг узайиши натижасида пенсия тўловларини молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар юзага келади (пенсия миқдорларининг камайиши, Давлат бюджетига қўшимча юкламанинг пайдо бўлиши ва ҳ.к.). Кўпгина ривожланган мамлакатларда тақсимланувчи пенсия модели билан бир вақтда жамғариб бориладиган пенсия модели ҳам амал қилади ва бу пенсионерларнинг таъминланганлик даражасини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Ҳозирда миллий пенсия таъминоти тизими икки даражали бўлиб, авлодлар бирдамлигига асосланган «тақсимланувчи» ҳамда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидан иборат (1-расмга қаранг).





## 1.4-расм. Фуқаролар пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилиши<sup>1</sup>

XIX аср охирида Боливия, Чили, Салвадор, Мексика ва Қозоғистон жамғариладиган пенсия тизимига ўтди. Айрим давлатларда жамғариладиган пенсия тизими 1980-1990 йилларда амал қила бошлади (1-жавдал).

### 1-жадвал

#### Жамғариладиган пенсия тизимининг шаклланиш эволюцияси [14]

Пенсия дастури	Давр	Мамлакат	Изоҳ
Жамғариладиган пенсия таъминоти	1951	Малайзия	Барча ишчи қатламини қамраб олувчи жамғарма кассаси жорий қилинган
	1980	Чили	Мажбурий жамғарилувчи пенсия тизими жорий қилинган
	1985	Швецария	
	1986	БуюкБритания	
	1990	Дания	
	1993	Колумбия	
	1994	Аргентина	
	1997	Мексика	
	1998	Венгрия	
	1999	Полша	

Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш барча мамлакатларда фуқароларга ғамхўрликнинг юксак намунаси бўлиб, касби-кори, меҳру-эътиқоди, фидойилиги билан эл-юрт учун ҳалол хизмат қилиб, пенсияга чиққан фуқароларнинг муҳтожлик кўрмай яшашлари учун барча шароитлар, қатор имтиёзлар яратилган. Лекин, фуқароларнинг кексалик даврида турмуш фаровонлигини янада ошириш имкониятлари бор. Бунинг учун эса кексалик ғамини ёшлиқда ўйлашга тўғри келади ва ёшлиқдан кексаликни моддий жиҳатдан таъминлашда жамғариб бориладиган пенсия ана шундай имкониятлардан биридир. Бир вақтнинг ўзида жамғариб бориладиган пенсияни давлат пенсияси билан чалкаштирмаслик керак. Давлат пенсияси фуқарога пенсия ёшига етганида тўланади ва бир умрга тайинланади. Жамғариб бориладиган пенсия эса пенсияга ёшига етгунига қадар жамғариб борилади ва пенсияга чиққандан сўнг бир йўла тўлаб берилади. Бу тизимнинг моҳияти фуқароларни шахсий жамғариб бориловчи пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлашдир. Демак, фуқаролар пенсия ёшига етганларида давлат пенсияси билан бир вақтда жамғариб борилган пенсияга ҳам эга бўлишади ва бу уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатдир. Тараққий этган мамлакатларда, хусусан, «АҚШда ҳам фуқаролар пенсияга чиққанларидан сўнг давлат, хусусий жамоа (иш жойи бўйича) ва хусусий индивидуал (шахсий пенсия ҳисоб-рақами очиш йўли

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



билан, яъни жамғариб бориладиган) турдаги пенсияларни оладилар ҳамда уларнинг моддий хавфсизлиги (ижимой ҳимояси) шу йўл билан таъминланади» [15].

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ижобий жиҳатлари жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, ижтимоий кафолатларни яратиш, сиёсий барқарорликни таъминлашнинг асосий шарт-шароитларидандир. Шу билан бирга, пенсия ислоҳотларини амалга ошираётган мамлакатлар жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий қилиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда ушбу тизимни аҳолининг кенг қатламлари томонидан қабул қилиниши билан боғлиқ муаммоларга дуч келишлари мумкин. Боз устига, «пенсия ислоҳотларини эндигина бошлаётган мамлакатлар учун жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тақсимланувчи пенсия тизими билан ўзаро муносабатларида бу муаммолар янада ўткир тус олиши мумкин» [16]. Шунингдек, ушбу тизимда молиявий риск даражаси юқори бўлади, айниқса, нобарқарор иқтисодиёт шароитида бу ниҳоятда жиддий масала ҳисобланади. Шундай бўлса-да, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг келажаги нисбатан порлоқдир.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини алоҳида қайд этиш мумкин:

1. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида иштирок этишнинг мажбурийлик ва ихтиёрийлик асосда амалга оширилиши.
2. Маблағлар турли нодавлат пенсия фондларида ёки банкларда ёхуд давлат ижтимоий фондларида махсус жамғариб борилиши ва ушбу маблағлар иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвестиция қилиниши.
3. Жамғариладиган пенсия таъминоти тизимининг мутлақо индивидуаллашганлиги ва ҳар бир тўловчи учун алоҳида махсус ҳисоб-рақамнинг мавжудлиги.
4. Жамғариладиган пенсия таъминоти учун тўпланган маблағларни шахсий ҳисоб-рақам эгалари томонидан тасарруф қилиш асосларининг кенглиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, авлодлар бирдамлигига асосланган ва жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хусусиятларини қуйидаги 2-жадвал орқали ифодалаш мумкин.

## 2-жадвал

### Фондлаштирилган ва фондлаштирилмайдиган (pay-as-you-go)

#### тизимларнинг таққосланиши [17]

Мезонлар	Фондлаштирилмайдиган (PAYG) тизим	Фондлаштирилган тизим
Мақсад	Ижтимоий адолатнинг таъминланиши	Иқтисодий самарага, ижобий натижага эришиш
Демографик омиллар	Тўғридан-тўғри функционал тарздаги таъсири мавжуд	Таъсир даражаси сезилмайди, ҳар ким ўзи учун ўзи жамғаради
Молиялаштириш манбалари	Жорий суғурта бадали жорий пенсия тўлови учун сарфланади	Жорий суғурта бадаллари шахсий ҳисобрақамларида жорий суғурталанувчининг ўзи учун жамғарилади



Тўлиқ фондлаштирилган тизимда фуқаро ўзи учун келажакдаги пенсия манбаларига эга бўлади. Фуқаронинг ҳар бир ажратмаси аниқ бир банк ёки шу билан шуғулланувчи ташкилот ҳисоб-рақамига келиб тушади.

Жамғариб бориладиган пенсия иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланивчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий фондлардан молиялаштирилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимининг характерли белгисидир.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг муҳим жиҳати пенсияларнинг давлат назорати остида иш берувчи ва ишловчиларнинг бадаллари ҳисобига шакллантирилувчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан молиялаштирилишидир.

Фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғарган пул маблағларини пенсияга чиққандан сўнг ёки қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда олиш имкониятига эга бўладилар. Айтиш жоизки, жамғариладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётган фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб борилувчи пенсия ҳисобварақлари очади. «Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортдаги маълумотлар асосида амалга оширилади» [18].

«Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи – фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади» [19].

Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими:

- фуқароларни кексаликда давлат пенсиясига қўшимча равишда даромад билан таъминламоқда;
- давлат пенсия таъминотини тартибга солишда доимий тизимли равишда назоратни амалга оширишда кўмак бермоқда. Хусусан, фуқароларни 2005 йилдан бошлаб ишлаган даврлари учун меҳнат стажини ва ойлик иш ҳақи миқдорини тасдиқловчи ҳужжат вазифасини бажармоқда;
- жамғариб бориладиган пенсия тизими молиявий ресурслари маълум миқдорда иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшган ҳолда инвестицион манба вазифасини ўтамоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 595-сон Қарори ва унга илова қилинган Низомлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини



такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-110-сон Қарори, «Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида» [20] ги Низом шулар жумласидандир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда жамғариб бориладиган пенсия тизимини тартибга солиш, тизимда яратилган имтиёзлар, кафолатлар, рағбатлантирувчи омил (преференция)лар кўзда тутилган.

Жамғариб борилувчи пенсия тизимининг барқарор ишлашини ва техника билан тегишли даражада жиҳозланишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-110-сон Қарорига кўра фуқароларнинг яқка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловларга тенглаштирилди ҳамда 2005 йил 1 июлдан бошлаб барча юридик шахслар фуқароларнинг жамғариладиган пенсия ҳисобварақларига бадаллар ажратишни жисмоний шахслар даромад солиғини бюджетга белгиланган шакл ва муддатларда тўлаш билан бирга амалга ошириб келмоқдалар.

«Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестициялаш ва кредит ресурслари сифатида молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби белгилаб олинди. Шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини самарали жойлаштиришни ташкил этиш мақсадида Молия вазирлиги, Марказий банк ва Халқ банкнинг вакилларида иборат бўлган Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштириш ва даромадларини шакллантириш сиёсатини белгилаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

Хуллас, жамғариб бориладиган пенсия таъминотида доир қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизимдаги қонунчилик базани такомиллаштириш, тизим инфратузилмасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш, тизимнинг моддий-техник базаси сифатини ва жиҳозланганлик даражасини яхшилаш имконини беради.

Жамғариладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш; жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш. Жамғариладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очади. Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тартиб рақами ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб этилмайди. Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами, шунингдек, бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади.



Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда унинг дубликати шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг ўша тартиб рақами қўйилган ҳолда берилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, «иш берувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритишдан бош тортиш, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ушбу ҳисобварақларнинг ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва бериш тартибини бузиш, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш»[21] тегишли миқдорда жарима солинишига асос бўлади. Ушбу қонуний чоралар, ўз навбатида, жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчиларининг шахсий жавобгарлигини ва масъулиятини янада оширади.

«Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида»[22] ги Низом жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни шахсий ҳисобга қўйишни ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асосини, принциплари ва механизмларини белгилаб беради.

Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобга олишнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашиши тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинишининг тўлиқлигини таъминлаш, бадал киритувчилар томонидан шахсий пенсия тўловларини оловчи фойдасига амалга ошириладиган шахсий жамғарилиб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар киритиш даврлари ва миқдорлари, маблағларни жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам шу жумлага киради;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қатнашчилари ва уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига омонатлари тўғрисидаги Халқ банкининг жамғариладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасини яратиш;
- маблағларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига тўғри ўтказилганлигини тезкор назорат қилиш учун шарт-шароитлар яратиш;
- жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчиларига жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тайинлаш тартибини соддалаштириш ва тартиб-қоидасини тезлаштириш.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги принципларга асосланилади: жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобининг мажбурийлиги, тўлиқлиги ва тезкорлиги; шахсий ҳисобга олиш



маълумотларининг махфийлиги, ушбу маълумотлардан фақат жамғариб бориладиган пенсия тизими мақсадлари учун фойдаланиш; жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчилари бўлган фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги ўзларининг ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиши.

Жамғариладиган пенсия тўловлари қуйидаги ҳолларда тўхтатилади: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда; тўловларни олувчи шахсий жамғариб борилган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечса; пенсия олиш ҳуқуқини йўқотганда.

Жамғариладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори фуқароларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммасига қараб ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади. Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади. «Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади» [23]. Иш берувчи томонидан жамғариладиган мажбурий пенсия бадалларини тўланиши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари Пенсия жамғармаси томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади. Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ [кодексига](#) мувофиқ, 2010 йил 1 январдан бошлаб, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

Амалдаги жамғариб бориладиган пенсия тизимининг фаолиятида банк, иш берувчи ташкилот, фуқаро ҳамда солиқ идоралари иштирок этади ва ишлаш механизмини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин [24]:

1. Иш берувчи муассасада ишловчи ҳар бир ходим учун белгиланган тартибда жамғариб бориладиган пенсия тизимида тўланиши лозим бўлган бадалларни ҳисоблаб чиқади ҳамда ҳисобланган суммани ҳар ойда ходимнинг Халқ банкидаги шахсий ҳисобварақамига ўтказиб боради;



2. Халқ банки фуқароларнинг иш ҳақларидан тизимга мажбурий ва ихтиёрий равишда ундириладиган бадалларни тўплайди ва унинг ҳисобини юритади. Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида шаклланган маблағни тасарруф этади ва маблағларни энг паст рискли инвестицион дастурларга йўналтириш орқали даромад олади, ҳар бир ҳисобрақамда жамланган маблағлар бўйича фоизли даромадларни ҳисоблаб боради. Жамғариладиган пенсия тизимига тўланаётган бадалларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказиб борилишини доимий ва тизимли равишда назорат қилиш Халқ банки ва солиқ идоралари зиммасига юклатилган;

3. Фуқаро давлат пенсия таъминоти ҳуқуқи пайдо бўлгач, Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамида тўпланган маблағни олиш учун мурожаат қилади. Банк маъмурияти эса тўпланган суммани ҳисоблаб чиқарилган фоизлар билан биргаликда фуқарога бир йўла тўлаб беради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича ажратмалар ставкаси 2005-2017 йилларда жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиққа тортиладиган даромадларнинг 1 фоизини ташкил қилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сон қарорига кўра, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича ажратмалар ҳажми 2 фоиз миқдорида белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарорига кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб ушбу ставка 0,1 фоиз миқдорида белгиланди.

Айтиш жоизки, Европа мамлакатларида жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари маблағлари молия бозорини ривожлантиришга, ўз навбатида, юқори даромад олишга қаратилган, шунингдек, 50 фоизи кредит ресурсларига қаратилган бўлса, 30 фоизи қимматли қоғозлар бозорига йўналтирилган, қолган 20 фоизи эса бошқа паст рискли қўйилмаларга тўғри келади. «Европа базавий давлат пенсияси бутун пенсия тизимининг 1/5 қисмини, мажбурий жамғарилувчи пенсия тизимининг нақд ярмини, ихтиёрий жамғариб бориладиган қисми эса 30 фоизни ташкил этмоқда» [25].

**Хулоса ва таклифлар.** Қайд этиш жоизки, тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия тизимлари маълум афзаллик ва камчиликларга эга. Тақсимланувчи пенсия тизимининг асосий мақсади фуқароларни камбағалликдан ҳимоя қилиш механизмини амалга оширишдан иборат ва мазкур тизим демографик ўзгаришларга мослаштирилмаган. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг мақсади бозор иқтисодиёти мамлакатларига хос бўлган иқтисодий самарадорликдир. Бироқ, жамғариб бориладиган пенсия тизимини дарҳол жорий қилиш мумкин эмас ва ушбу тизим молия бозорларидаги ўзгаришларга жуда сезгирдир.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими пенсионерларнинг реал даромадларини ошириш асосида уларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг адолатли ва самарали тизимини ташкил этиш, демографик



вазятнинг кескинлашуви шароитида пенсия тўловларини молиялаштириш бўйича Давлат бюджети зиммасидаги юкларни енгиллаштириш, жамғарилган маблағларни иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқлари тараққиётини таъминлашга йўналтирилиш имконини яратади.

Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантиришда кўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

– жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги ислохотлар самарасига эришиш учун меҳнат унвондорлиги, иш ҳақи, молия бозори ва бошқаларнинг ижобий ўсиш динамикасини таъминлаш керак;

– акциядорлик тижорат Халқбанкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йиғилиб борилаётган маблағларнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш (фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга реал инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда фоиз ҳисоблаб бориш ва х.к.) зарур;

хусусий пенсия фондларини ташкил этиш ва фаолият юритилишини таъминловчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

## References:

1. Majidov N. Niyazov M. Pensiya tizimini tartibga solishning xorij tajribasi. // *Biznes-ekspert*, 2016. №11. – В. 40.
2. OECD (2019), *Pensions at a Glance 2019: OECD and G20 Indicators*, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/b6d3dcfc-en>. – 224 p.
3. Jun Peng. *State and Local Pension Fund Management*. – USA.: «Auerbach Publications», 2008. – 240 p.
4. Rowena Jacobs, Maria Goddard. *Social Health Insurance Systems in European Countries The Role of the Insurer in the Health Care System: A Comparative Study of Four European Countries*. – [Heslington](#), [York](#) England: «The Publications Office Centre for Health Economics», 2000. – 132 p.
5. Collin Campbell. *Social Insurance in Figures 2018*. Swedish Social Insurance Agency. – Stockholm, Sweden. 2018. – 70 p.
6. [Stephen Butler](#). *Roadmap to Retirement Security: How to Build and Conserve Retirement Wealth*. – USA.: «Universe», 2014. – 112 p.
7. Gemma Charlotte Tetlow. *Essays on the Economics of Retirement and Pensions*. A dissertation submitted in partial fulfilment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy of University College London. – England: Department of Economics University College London. 2015. – 224 p.
8. Роик В. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – 350 с.
9. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: «КГУ», 2013. – 106 с.
10. Скурова А.В. Развитие системы негосударственного пенсионного страхования в России и за рубежом: автореф. дис.к.э.н. – М.: «БАВТ», 2011. – 26 с.



11. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: «Университет», 2017. – 128 б.
12. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: «Иқтисод-молия», 2018. – 200 б.
13. Ражабов Ш.У. Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2021. – 71 б.
14. [www.pensionfundsonline.co.uk](http://www.pensionfundsonline.co.uk).
15. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. – USA: Auerbach Publications, 2008. – P. 5-6.
16. Федотов А.И. История возникновения пенсионных систем в зарубежных странах. Труды ИСА РАН 2006. Т. 23. ([http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2015/TGU\\_6\\_174.pdf](http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2015/TGU_6_174.pdf)).
17. Mirzamahmudov M.M. Maqsadli jamg'armalardan foydalanish samaradorligini oshirish mexanizmini takomillashtirish. Monografiya. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2013. – В. 13.
18. <https://lex.uz/docs/390573>.
19. Маматов Б., Аметова Ф. Жамғариб бориладиган пенсия тизими даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш. «Иқтисод ва молия» илмий-амалий журналы, №2, 2018. – Б. 41-49.
20. [https://nrm.uz/contentf?doc=352916\\_jamg'arib\\_boriladigan\\_pensiya\\_tizimi\\_mablag'lari\\_ni\\_investiciya\\_va\\_kredit\\_resurslari\\_sifatida\\_joylashtirish\\_tartibi\\_to'g'risidagi\\_nizom\\_\(moliya\\_v\\_azirligining\\_11\\_10\\_2006\\_y\\_88-son\\_markaziy\\_bank\\_boshqaruvining\\_07\\_10\\_2006\\_y\\_282-v-son\\_qarori\\_bilan\\_tasdiqlangan\)](https://nrm.uz/contentf?doc=352916_jamg'arib_boriladigan_pensiya_tizimi_mablag'lari_ni_investiciya_va_kredit_resurslari_sifatida_joylashtirish_tartibi_to'g'risidagi_nizom_(moliya_v_azirligining_11_10_2006_y_88-son_markaziy_bank_boshqaruvining_07_10_2006_y_282-v-son_qarori_bilan_tasdiqlangan))
21. Маматов Б. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2018. – Б. 68.
22. [Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон Қарорининг 1-илоvasи «Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом.](#)
23. <https://lex.uz/acts/390573>.
24. Маматов Б., Аметова Ф. Жамғариб бориладиган пенсия тизими даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш. «Иқтисод ва молия» илмий-амалий журналы, 2-сон, 2018. – Б. 41-49.
25. Мамаджонов И., Мирзамахмудов М. Давлат пенсия таъминотини ривожлантириш масалалари. //«Иқтисод ва молия» илмий журналы. 2014. 5-сон. – Б. 57-58.